



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra



IWMI
International
Water Management
Institute



**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДАЛА ШАРОИТИДА ЕРНИ ВА СУВНИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЛОЙИХАСИ**

**ЕРЛАРНИ ШУРИНИ ЮВИШ
ВА КУЗГИ БУГДОЙНИНГ
ПАРВАРИШЛАШ БУЙИЧА
ТАВСИЯЛАР
(феврал-март)**

Фаргона- 2010 йил

КИРИШ

Маълумки, 2009-2010 йилнинг киш ойларида ёгингарчилик микдори олдинги йилларга нисбатан кам булмокда. Бу уз навбатида тупрокда тупланаётган намликни камайишига олиб келади.

Умуман дехкончиликда тупрокда усимликни усиб ривожланиши учун еталиқ намликни фақат ёгингарчилик орқали тупланган намлик хисобига эмас, киш ойларида айникса феврал ойида ерларни шуруни ювиш ва шурланмаган ерларда эса етарли нам туплаш учун уни чуқур хайдаб (35-40 см) текислаб эгат олиб сугориш усули билан амалга ошириш мумкин.

Бунинг учун сизот сувлари 2-3 м ва ундан чуқур жойлашган ерларда бу тадбир механик таркиби огир ерларда феврал ойининг иккинчи ва учунчи ун кунлигида, механик таркиби урта ва енгил булган ерларда эса феврал ойининг охири ва март ойининг биринчи яримиди амалга оширилса мақсадга мувофиқ булади.

Сугориш меъёри – енгил таркибли тупроқларда 850-900 м³/га.

Урта таркибли тупроқларда 950-1100 м³/га.

Огир таркибли тупроқларда 1000-1200 м³/га хисобида берилади.

Сугориш катор оралиги 60-70, 90 см эгат узунлиги 50-80, 100 метр булган эгатлар орқали амалга оширилса мақсадга мувофиқ булади.

Шурланмаган тупроқларда эрта баҳорда намликни саклаш учун ерни 8-10 см катлами етилганда 2-каторли (биринчи каторда 6 та, иккинчи каторда ҳам 6 та жами 12 та борона бир бирига тиркалган холда) огир борона билан амалга оширилади.

Бу тадбир амалга оширилганда тупрокда мавжуд булган ва сувни ушлаб турган каппиляр найчаларнинг юкори ер бетига якин қисми бузилади ва ер тагидан парлаш орқали келган намлик борона килинган катлам остиди 80-90% сакланиб туради. Бу намлик уз навбатида баҳорда ерни мола босиб текислаб чигит экилганда чигитни тулик униб чикишини таъмиклайди.

Шурланган ерларда

Маълумки Фаргона вилояти, Андижон вилояти, Наманган вилоятларида дехкончилик қилинаётган ерларни куп қисми Марказий Фаргонага жойлашган. Марказий Фаргонага жойлашган ерларнинг деярли хаммаси турли даражада шурланган. Шурланган тупроқларда эса ерни шуруни ювмай туриб кишлок хужалиқ экинларидан юкори хосил етиштириб булмади.

Шу сабабли бундай ерларда албатта шур ювиш ишларини ташкил этиш зарур шур ювиш кам шурланган ерларда кичик поллар орқали ва эгат олиб (60;90 см) кучли шурланган ерларда хатто дамба олиб ҳам ювилади.

Шур ювиш ишларини ташкил қилиш

Тупрок шурланиш даражасини шартли белгилари:

Курук қолдиқ %	Шурланиш даражаси
0,0-0,3	шурланмаган
0,3-1,0	кучсиз шурланган
1,0-2,0	уртача шурланган
2,0-3,0	кучли шурланган
3,0 дан ортик	ута кучли шурланган

(фермер хужалиги ер майдонини шурланиш даражасини туман мелиорация бўлиmidан аниқлаб олишингиз мумкин)

Бизнинг шароитимизда ерларни шудгорлаш қанчалиқ зарур булса тупрок шуруни ювиш ҳам шундай ахамиятга эга. Агар шурланишга мойили булган ерларнинг шуру уз вақтида

ювилмаса, хосилни 10%, уртача шурланган ерларда 20-30%, кучли шурланган ерларда 30-60 % бой бериледи. Бундай экин майдонлари мелиоратив холатини яхшиламай туриб, пахта ва бошка кишлок хужалик экинлари хосилдорлигини ошириб булмайди.

Сизот сувларини шурланиш даражаси

1-литр сувдаги умумий тузлар микдори (гр/литр)	Сувни минерализация даражаси
0,0-0,1	шурланмаган
1,0-3,0	кучсиз шурланган
3,0-5,0	уртача шурланган
5,0-10	кучли шурланган
10 ва ундан ортик	ута кучли шурланган

Шур ювиш икки хил булади: капитал ва жорий. **Капитал шур ювиш** 2,5-3 метрли аэрация зонасини тула тузсизлантириш учун ута кучли шурланган курик ва буз ерларни узлаштириш даврида амалга оширилади.

Жорий шур ювиш асосан бизнинг тупрок шароитимизда даврий шурланишни йукотишга мулжалланган булиб, майдонлар кишлок хужалик экинларидан бушаган кузги кишки даврларда утказилади.

Пол олишда уларнинг улчамлари тупрок шароитларига караб полларнинг баландлиги 40-50 см дан паст булмаслиги талаб этилади. Шур ювиш даврида сувниполдан-полга утиб кетишига йул куймаслик лозим. Тупрок шароитига кура кучли шурланган майдонларда 6-8 кун утказиб 2-3 маротаба, уртача шурланган ерларда 2 марта ва кучсиз шурланган ерлар 1-маротаба ювилади. Куйидаги жадвалда тупрок шароитларига караб Шур ювиш меёрлари ва сони бергиланган.

Ернинг шурини ювишда унинг муддатларини тугри белгилаш мухим ахамиятга эга. Кучли ва уртача шурланган механик таркиби жихатидан огир тупрокли майдонларини шурини ювиш муддатлари ноябр ва декабр ойлари хисобланади.

Шур ювиш муддатларини бахор (март-апрел) ойларида утказиб булмайди, чунки бу ойларда ер ости сувлари юкорига кутарилиши хисобига намлик микдорини хавога бугланиши кучайиб, тупрокнинг кайта шурланишига сабаб булади.

Шур ювиш нормалари ва сони

Тупрокнинг шурланиш даражаси	Шур ювиш нормалари м ³ /га		Шур ювиш сони
	Сув утказувчанлиги яхши тупрокларда	Сув утказувчанлиги паст тупрокларда	
Кучсиз	1500-1700	1800-2000	1
Урта	2500-3000	4000-5000	2
Кучли	4000-5000	5000-6000	2-3

Шурини ювилган ерларда намликни тулик саклаб қолиш учун ер етилиши (10-15 см) билан чеклар УК-ариклар текисланиб, фосфорли угитларни йиллик меъерини 70 %ни ерга сепиб кетидан чизил борона билан 12-14 см чуқурликда чизелаб мола босиш зарур. Натижада ерга сепилган фосфор угити тупрокка аралашиб кетади.

Ер яхши текисланса сугориш меъери текисланмаган ерларга нисбатан 25-30% кам сарфланади.

Галла майдонларида ниҳолларнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда феврал-март ойларида утказиладиган тадбирлар.

Фаргона водийсининг сугориладиган ерларига экилган бошокли дон экинларини узиш ва ривожланиш даврларини аниқлаш мақсадида галла майдонларини зудлик билан мониторингдан утказиш (тула туплаган 3-4 барг, 1-2 барг ҳосил қилган, униб чиқмаган майдонларни аниқлаш) айниқса шурланган тупроқли майдонларга экилган бугдойларни ҳолатини текшириб чиқиб агар бу ерлар уртача, қучли шурланган ерлар бўлса тезлик билан бу ерларда угитлаш утказилмаган бўлса ҳам ҳар гектар ерга 1000-1500 м³/га ҳисобида сув бериб сугориш зарур, чунки шундай қилинганда шу ерларда тупроқ таркибидаги мавжуд тузлар ювилиб бугдой ниҳоллари эркин усади, акс ҳолда тупроқ таркибидаги тузлар ниҳолларни қисиб бугдой қучатларини тупроқдаги намликни ва озукаларни олишига имкон бермай уни қуритади.

Бугдойни биринчи угитлаш

Эрта баҳорги биринчи озиклантириш, эрта ва макбул муддатларда экилган ҳамда тула тупланиб қишлоғга қирган, эрта баҳорда усимликларнинг ҳолати меъерида бўлган пайкалларга физик ҳолда 100 кг/га мочевина ёки 150-160 кг/га селитра микдорда азотли угитлар билан озиклантириш зарур. Фаргона водийси ҳудудларида бу муддат тахминий 10-25 февралга тугри келади.

Эрта баҳордаги азотли озиклантиришда энг биринчи навбатда кеч муддатларда экилиб, қишлоқдан қийинчилик билан чиққан майдонларда, ундан кейинги уруглик етиштириш учун экилган майдонларда ва ниҳоят қолган майдонларда утказилиши тавсия қилинади. Қишлоғга тупланмасдан қирган ҳамда қишлоқдан қийинчилик билан чиққан майдонлардаги усимликларни, қушимча тартибда 100 кгдан озиклантириш яхши самара беради.

Эрта баҳорда тупроқ таркибидаги озика моддалари микдорининг камайиб кетишидан ташқари, усимлик нозик ҳолда қишдан чиқади ва озик моддаларга муҳтож бўлади. Эрта баҳорги озиклантириш қучат қалинлигини барқарорлаштиради. Усимликда тупланиш жараёнини жадаллаштиради, 1 кв.м.да 550-600тагача маҳсулдор поя ҳосил қилишга эришиш мумкин. Эрта баҳорги озиклантириш уз муддатида утказиш ҳисобига бир гектар ердан 4-6 центнергача қушимча ҳосил олишга эришилади.

Эрта баҳорги озиклантиришда азотли угитлар меъерини аниқлашда усимликларда узиш жараёни бошланиши муҳим урин тутати. Агарда усимликларда узиш жараёни кеч бошланса, бу даврга қелиб ҳаво ҳорорати тез қутарилади, ривожланиш фазаларини утиш вақти ва озика моддалар узлаштирилиши пасаяди. Шу даврда усимликда тупланиш ва генератив органлар ривожланишини қучайтириш мақсадида азот меъерини йиллик меъерига нисбатан 25 фоиз эмас. 30 фоизга оширилиши тавсия қилинади. Эрта баҳорги озиклантиришда азот меъери бундан оширилганда азотни ортиқча қисми сув ёки ёгингарчилик билан ювилиб кетади.

Озиклантиришдэн сунг ҳар бир минтақада тупроқ намлиги ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда сугориш ишларини ташқил қилиш. Бунда 1 гектар ер майдонига сарфланадиган сувнинг мавсумий меъери 3000-4500 куб.м., сугориш меъери эса 700-800 куб.м. ни ташқил этади. Ер ости сувларини жойланишига нисбатан қузғи бугдойни мавсумий сугориш меъери 2500-3000 куб.м. ҳам бўлиши мумкин.

Эрта бахорда бугдой майсалари ривожланиши суст булган майдонларга, минерал угитлар суспензияси тайёрланиб сепилиши, усимликларни эрта бахорги ривожланиш жараёнини тезлаштиради.

Эритма тайёрлашда 12 кг. аммофос, 6 кг калий ва 6 кг селитра олинб, 300 литр сувда эритилади ва махсус пуркагич механизмлари ёрдамида кузги бугдой пайкалпарига сепилади. Бу эса илдиздан ташкари баргдан озиклантирилганлиги сабабли усимлик барг сатхи калинлашади, усимликларни касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги ортади, фотосинтез жараёни тезлашади, натижада нихолларни усиши ва ривожланиши тезлашади.

Суспензия сепишда бугдой майсалари ер устки кисмини тула копланганлигига алохида этибор бериш зарур. Чунки сепилган суспензияни усимлик барги оркали узлаштиради. Бугдой майсалари ер устки кисмини барг сатхи билан копламаган майдонларда сепилган суспензиянинг асосий кисми ер устки катламига тушади, бундан усимлик фойдалана олмайди, натижада сепилган суспензия самарадорлиги пасаяди.

**Тавсиянома «Фермер хужаликлари даласида сувнинг махсулдорлигини ошириш»
лойихаси агроном-консультанти, САНИИРИ Фаргона булимий бошлги
к.х.ф.н. Х. Умаров, Сирдарё-Сух ИТХБ К. Кобулов томонидан тайёрланган.**